



- Изох:** 1. Уқув режасига қўшимча киритиладиган модуллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Уқув режасидаги модулларга ажратилган соатлар миқдори аудитория ва мустақил таълим соатларини қамраб олади.
3. Мазкур уқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чиқиб ишчи уқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик уқув юкламасини сақлаган ҳолда "модул" ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.
4. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва амалий хорижий тил модуллари бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (ҳар бир кичик гуруҳда камида 10-12 нафаргача тингловчилар бўлиши шарти билан).
5. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
6. Кўчма машғулотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, олий таълим муассасалари, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этилади.
7. Мустақил таълим тегишли модул дастурида келтирилган мавзулар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида амалга оширилади.
8. Педагогик амалиётда тингловчиларнинг тегишли кафедраларда дарсларни кузатиши, очик маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтказилган дарсларни муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилиши режалаштирилган.
9. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси модуллар бўйича жорий назорат, педагогик амалиёт яқунлари, касбий фазолият курсаткичлари, чиқиш тест синовлари натижалари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя қилиш асосида ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича уқув услубий бирлашмалар фаолнятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.  
2017 йил « 18 » 08 даги 4 -сонли баённома.

Янги дастурлар ва уқув адабиётларнинг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси Бошқарма бошлиғи

О.И.Исмоилов

Бош илмий-методик марказ директори

У.Ш.Бегимкулов

Тошкент давлат техника университети директори

С.М. Турабджанов

ТДТУ ҳузуридаги ПКҚТ ва МО тармоқ маркази директори

Н.А. Абдужабаров

